**ЛОЙИХА-СМЕТА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН**

**ШАРТНОМАСИ № 21**

**Жиззах шахар** **«06» октябр 2022 йил**

СамДТУ (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан **устав** асосида фаолият юритувчи ректор Ж.Фузеев ва **"INDUSTRIAL LOYIHA" МЧЖ** (кейинги ўринларда «Ижрочи» део юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи шахс **Абдулакимов. Х.М.** мазкур шартномани қуйидагилар, ҳақида туздилар.

**1.1.**Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, буюртмачи эса. Ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**1.2.**Ижрочи кейинги ўринларда «Хизматлар деб аталадиган қуйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади: **Самарканд шахарда жойлашган СамДТУ ректорат биноси ховли кисмини ва СамДТУга карашли академик литцей ётокхонасини жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш .**

| т/р | Хизматлар тури | Сони | Қиймати | Суммаси | Жами<br>Барча солиқлар билан |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш** | 1 | 20 000 000 | 20 000 000 | 20 000 000 |
| 2 | ***Жами: Йигирма миллион сўм.*** | 1 | 20 000 000 | 20 000 000 | 20 000 000 |

1.2.2.Амал қилиш муддати:
2022 йил 31 декабрача.
Ижрочи Хизматлар курсатиш буйича ишларни муддатидан олдин бажариш хуқуқига эга.
1.3.1.Хизматлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

## 2. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари:

**2.1.** Ижрочининг мажбуриятдари:
2.1.1.Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.
2.1.2. Хизматларни мазкур келишув битими 1.2.2-бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.
2.1.3.Агар ижрочи хизматлар кўрсатиш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига асосан барча аниқланган камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.
2.1.4. Ижрочи хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.
**2.2.** Буюртмачининг мажбуриятлари:
2.2.1.Буюртмачи томонидан кўрсатилаётган хизмат учун олдиндан 30% тўловни амалга оширади, қолган 70% хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган кунга қадар хақ тўлаш.
2.3 Буюртмачи қуйидаги хуқуқларга эга:
2.3.1.Хар қандай вақтда ижрочининг фаолиятига аралашмаган холда у томонидан бажаралиётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.
2.3.2.Далолатнома имзолан кунга қадар хар қандай вақтда шарномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган бахонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги хақидаги хабарнома олгунга қадар кўрсатилган хизматлар қисмига мутаносиб қисмини ижрочига тўлаш.
2.3.3. Мазкур шартнома тарафлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва томонлар уз мажбуриятларини тўлик бажаргунга қадар амал қилади.

## 3. Тарафларнинг жавобгарлиги

3.1. Мазкур шартнома бахоси ***20 000 000 сўм. Йигирма миллион сўм.***
3.2.Буюртмачи томонидан ижрочига кўрсатилган хизматлар бахосини тўлаш ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб хисоб варағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.
3.3. Буюртмачи мазкур шартнома юзасидан қуйидаги мажбуриятларни олади:
а) Лойиха-смета хужжатларини таёрлаш учун Бажарувчи томонидан сўралган тегишли ҳужжатларини келишилган муддатда тўлиқ тақдим этиш;
б) Лойиха-смета хужжатларини таёрлаш ишларнинг хизмат хақини ўз вақтида мазкур шартномага мувофиқ ҳисоб-китоб қилиш;
в) Лойиха-смета хужжатлари билан биргаликда лойиха-смета учун тақдим этилган ҳужжатларини олиб кетиш. Хужжатлар олиб кетилмаган тақдирда Бажарувчи уларни бут сақланишига жавоб бермайди.

## 4. Тарафларнинг жавобгарлиги

**4.1.**Мазкур шартнорманинг 1.3-бандида кўрсатилган хизматлар кўрсатиш муддатини бузганлиги учун ижрочи буюртмачига кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси кўрсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи ижрочига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов сўммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Тарафларнинг мазкўр шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Узбекистон Республикаси худудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қулланади.

## 5. Коррупцияга қарши талаблар

5.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалжаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

5.2. «Буюртмачи» «Ижрочи»га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), «Буюртмачи» манфатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат қилиб, «Ижрочи»нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## 6. Форс-мажор холатлари

6.1.Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. (Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошка табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2.Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

6.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

## 7. Низоларни хал этиш тартиби

7.1.Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар уртасида имкон кадар музокаралар йули билан хал этилади.

7.2.Низоларни тарафларнинг музокаралари йули билан хал этиш имкони булмаган такдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кузда тутилган судгача булган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни

*Иктисодий суд*

*(Тарафлар томонидан низоларни хал этиш учун танланган суднинг номи*

*Тошкент туманлараро иктисодий суди*

*ва жойлашган жойи кўрсатилсин)*

кўриб чиқишга топширадилар.

## 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

**8.1.**Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва кушимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга.

**8.2.**Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

## 9. Якуний қоидалар.

**9.1.**Мазкур шартномага киритиладиган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шакилда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзолонганидан сўнг хақиқий хисобланади.

**9.2.**Мазкўр шартнома икки нусхада тузилади. Иккала нусха айнан бир ҳил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

## 9. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари.

**ИЖРОЧИ:**

«*INDUSTRIAL LOYIHA*» *МЧЖ*

**Манзил:** Жиззах вилояти, Жиззах шахри, Навруз маҳалласи, З.Санақулова кўчаси, 28-уй

**Тел:** (94) 198-00-36

**Х/р:** 2020 8000 7054 3367 6001

**Банк:** «ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ» АЖ Жиззах вилояти филиали

**МФО:**00121 **ИНН:**308 827 356 **ОКЭД** 41100

**Х.М. Абдулакимов**

**М.П.**

**БУЮРТМАЧИ:**

Samarqand Davlat tibbiyot universiteti
Molia Vazirligi G'aznachiligi
X/R 23402000300100001010
STIR: 201122919 MFO: 00014
Markazi bank HKKM Toshkent Sh. Bosh boshqarmasi
SH.X/R 400910860184017094100054001
STIR: 201007711 OKED: 85420

**М.П.**

4396935

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"INDUSTRIAL LOYIHA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"INDUSTRIAL LOYIHA" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

31.08.2021 1033324 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

(Sana: oy (so'z bilan) yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR) 308827356

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Jizzax viloyati, Jizzax shahri, NAVRUZ MFY Z.SANAQULOVA KO'CHASI 28 UY,

Guvohnoma Jizzax viloyati, Jizzax shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Самарқанд Давлат Тиббиёт
Университети Молия-иқтисод
ишлари бўйича проректор
комиссия раиси
________ Ғ.А.Элмуродов

Самарқанд давлат тиббиёт университетининг харид қилинаётган товар бойликлари ва хизмат кўрсатиш шартнома хужжатларини расмийлаштириш бўйича доимий ишловчи танлов Комиссия йиғилиши

**Б А Ё Н И №**

2022 йил «06» октябр — Самарқанд шаҳри

Раислик қилувчи — Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор Ғ.А.Элмуродов

Иштирок этдилар — Ш.А.Тошмуродов
У.Ғ.Ғаниев
Ш.Р.Остонов
Л.Б.Худояров
М.А.Норов
Н.И.Жумаев

СамДТУ жорий таьмирлаш ишлари учун 22.09.2022 йилда 22110012153990 сонли энг яхши таклифларга эълон жойлаштирилган бўлиб, ушбу лот 29.09.2022 йилда тугаган. Ушбу лот бўйича 4 нафар ташкилот иштирок этди. Булар

1. YO'L LOYIXA TARAQQIYOT MCHJ
2. INDUSTRIAL LOYIHA
3. OOO EUROPROJECT
3. KOMFORT LIDER KAPITAL MCHJ

Юқоридаги ташкилотлар ичида энг юқори балл билан INDUSTRIAL LOYIHA корхонаси ғолиб деб топилди хамда 30.09.2022 йилда электрон имзо орқали баённома тузилди . Баённома 2 иш кунида мухокамада турган хеч қандай эътироз бўлмагач INDUSTRIAL LOYIHA корхонаси билан икки томонлама шартнома имзоланди.

Комиссия аъзолари — Ш.А.Тошмуродов
У.Ғ.Ғаниев
Ш.Р.Остонов
Л.Б.Худояров
М.А.Норов
Н.Жумаев